

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.Qx.13.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АБДРИМОВА ГУЛБАХОР ЭРИММАТОВНА**

**ЭКОЛОГИК ОҒИР ШАРОИТГА МОСЛАШГАН ТУТ ИПАК ҚУРТИ  
ДУРАГАЙЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА ТАТБИҚ ҚИЛИШ**

**06.02.04 – Ипакчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
agricultural sciences**

**Абдримова Гулбахор Эримматовна**

Экологик оғир шароитга мослашган ипак қурти дурагайларини яратиш ва  
татбиқ қилиш.....3

**Абдримова Гулбахор Эримматовна**

Создание и внедрение гибридов тутового шелкопряда для экстремальных  
экологических условий.....19

**Abdrimova Gulbahor Erimmatovna**

Creating and implementing of silkworm hybrids that adapted to ecological  
extreme conditions 33

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....37

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.Qx.13.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АБДРИМОВА ГУЛБАХОР ЭРИММАТОВНА**

**ЭКОЛОГИК ОҒИР ШАРОИТГА МОСЛАШГАН ТУТ ИПАК ҚУРТИ  
ДУРАГАЙЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА ТАТБИҚ ҚИЛИШ**

**06.02.04 – Ипакчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD /Qx113 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ипакчилик илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Якубов Аҳматжон Бакиевич**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Гуламов Азамат Эшанкулович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Исматуллаева Дилором Адилевна**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта  
илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Чорвачилик ва паррандачилик илмий-  
тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Qx.13.02 –рақамли Илмий кенгашнинг 2018 «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. ТошДАУ АРМ биноси, 1-қават. Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.Р.Умаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
қ.х.ф.д., катта илмий ходим

**У.Т.Данияров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, қ.х.ф.н., доцент

**М.Э.Аширов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д.,  
профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатларида тут ипак курти парваришланиб, 840-860 минг тонна пилла хом-ашёси тайёрланади. Ҳозирга келиб 60 дан зиёд давлатларда ипакни қайта ишлаб тайёр ипак матолари ишлаб чиқилмоқда. «...дунё бўйича ипак матоларининг халқаро савдо айланмаси 25 минг тонна ёки 2-2,3 миллиард доллардан ортиқни ташкил этмоқда. Бунда етакчи экспорт қилувчи давлатлар Хитой Халқ Республикаси - 49,2 фоиз, Италия - 17,0 фоиз, Ҳиндистон - 7,1 фоиз, Франция - 6,1 фоиз, Япония - 4,5 фоиз, Корея - 4,4 фоиз, Германия - 2,5 фоиз, Буюк Британия- 2,1 фоиз ва Ўзбекистонда 0,005 фоизни ташкил этиши кузатилган»<sup>1</sup>.

Дунё миқёсида тут ипак куртини турли иқлим шароитларида парваришланиши янги технологияларини илмий асослаш борасида интенсив илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ипакчилик соҳаси ривожланган Хитой Халқ Республикасининг жанубий минтақалари, Ҳиндистон ва Вьетнам каби давлатлар етакчи олимлари томонидан тут ипак куртининг бивольтин зотлари асосида, табиий иқлим шароити ўта ноқулай бўлган ҳудудларга мос зот ва дурагайларни яратиш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилиб, пилла ҳосилдорлиги ва етакчи технологик кўрсаткичларини жаҳон андозалари талаблари даражасига етказишга эришилган. Кейинги пайтларда ер юзида антропоген ва экологик омиллар таъсирида иқлим шароитининг кескин ўзгариши натижасида экстремал шароитларга мослашган, пилла ҳосилдорлиги юқори бўлган зот ва дурагайларини яратиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Республикамизда бугунги кунда тут ипак куртининг йирик пиллали, экологик оғир шароитга мослашган дурагайларини яратиш бўйича муайян ютуқларга эришди. Аммо, бирмунча ноқулай экологик шароитларда ипак куртининг ўсиши, ривожланиши, кўпайиши ва маҳсулдорлигини таъминловчи насли популяцияларни яратиш, ҳудудий жиҳатдан сезиларли абиотик омиллар билан фарқланувчи минтақаларда боқилаётган тут ипак куртидан юқори сифатли пилла ҳосили етиштириш, ипак толасининг технологик кўрсаткичларини ошириш ва такомиллаштириш борасидаги илмий-тадқиқотларга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, хусусан чорвачилик, шу жумладан ипакчиликни янада ривожлантириш ва пилла хом-ашёси етиштиришни босқичма-босқич ошириб бориш вазифалари таъкидланган.<sup>2</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2856-сонли «Ўзбекипаксаноат уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 20 мартдаги ПҚ-3616-сонли

<sup>1</sup> [www.inserco.org/](http://www.inserco.org/)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони

«Пиллачилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11-августдаги «2017-2021 йилларда пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 616-сон қарорларида маҳаллий зот ва дурагай уруғлари ҳамда пилла ишлаб чиқаришни ошириш, уларнинг сифатини яхшилаш, шу билан бирга ипакчилик саноати экспорт имкониятларини кенгайтириш белгилаб берилган. Мазкур йўналишдаги барча меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тут ипак қуртининг янги зот ва тизимларини танлаш, уларни турли иқлим шароитларига мос, серҳосил ва пилласининг сифати юқори, дурагай комбинацияларини яратиш бўйича республикамиз олимлари В.А.Струнников, У.Н.Насириллаев, А.Б.Якубов, Л.М.Гуламова, Е.А.Ларькина, Э.Х.Таджиевлар томонидан чуқур илмий изланишлар олиб борилган.

Шунингдек хориж олимларидан М.Е.Браславский, Б.Аббасов, А. Акименко, Б.Маметкулиевлар томонидан тут ипак қуртининг Украина, Озарбайжон, Туркманистон республикаларининг ўзига хос қуруқ ҳамда нисбатан салқин иқлим шароитларига мослашган зот ва дурагайлари яратилиб, улар ишлаб чиқаришга жорий қилинган. Y.S.Reddi, B.Zhong, Y.Y.Chen, P.Trenov, D.Grekovлар тут ипак қуртининг геномини чуқур таҳлил қилиш ва хўжалик белгилари билан яқин коррелятив боғланган белгилар бўйича танлаш орқали юқори гетерозисли саноатбоп дурагайлар яратганлар.

Шу давргача Қорақалпоғистон Республикасининг экстремал иқлим шароитига мос тут ипак қуртининг янги зот ва дурагайлар яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмаган. Бугунги кунда республикамизда экологик ҳолати нисбатан экстремал бўлган Қорақалпоғистон Республикасининг ноқулай иқлим шароитларига мослашган зотларни танлаш ва янги дурагай комбинацияларини яратиш долзарб муаммолардан бўлиб ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ипакчилик илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқотлар режасининг КХА-8-32 «Ипак қуртининг соф дурагай тухумларни олишни таъминловчи клон зот саноат дурагайларни яратиш» (2012-2014 йй.), КХА-8-011 «Тут ипак қуртининг партеноклонлари ва яхшилانган зот компонентларини жалб этиш билан 100 % ли тоза саноатбоп дурагайларни яратиш» (2015-2017 йй) амалий лойиҳалари ва «Ноёб объект»

(Ипак қурти коллекцияси) дастурлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** янгидан яратилган юқори маҳсулдорликка эга тут ипак қуртининг дурагайлари ва жинси бўйича нишонланган партеногенетик клонлар ичидан Қорақалпоғистон Республикасининг экстремал иқлим шароитларига мос ипак қурти зот ва дурагайлари танлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

янгидан яратилган тут ипак қуртининг айрим зот, партеноклон ва дурагайларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини аниқлаш;

жинси нишонланган ва оддий зотларнинг айрим хўжалик қийматга эга белгиларини тиклаш ва яхшилаш;

жинси нишонланган ва оддий ҳамда партеногенетик клонлар ва зотлараро дурагай комбинацияларни яратиш;

янги дурагай комбинацияларни лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитларида биологик ва технологик кўрсаткичларини аниқлаш;

Қорақалпоғистон Республикасининг ноқулай шароитларида яхши пилла ҳосилдорлиги ва ҳаётчанликка эга дурагайлари аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида *Bombyx mori L* тут ипак қуртининг ўзига хос хусусиятларга эга жинси бўйича нишонланган ва нишонланмаган зотлари, партеногенетик клонлари, ҳамда дурагайлари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Қорақалпоғистон шароитида ўз генетик имкониятларини намоён этувчи ипак қурти дурагайлари, зотларининг асосий репродуктив, биологик ва технологик кўрсаткичлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда нишонланган зот ва партеногенетик клонлар жинси бўйича сақлаш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда «Ипак қурти наслчилик ишларининг асосий услубий қондаси»га мувофиқ, «Ипак қуртининг ривожланиш босқичларида анъанавий селекция танлови», «Жонланган тухумларни ипак қурти босқичида ва эркак капалакларнинг ҳаракат фаоллиги бўйича танлаш» ҳамда «Оталантирилмаган тухумларни партеногенетик ривожланишга йўналтириш» усуллари ва маълумотларни биометрик қайта ишлашда Е.К.Меркурьева услубидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор тут ипак қуртининг табиий иқлим шароити ўта ноқулай бўлган ҳудудларда партеногенетик клонлари генетик потенциалини йўқотмаслиги илмий жиҳатдан аниқланган;

Қорақалпоғистон Республикасининг экстремал шароитларига чидамли ва мослашган С-5, С-10, С-12 зотларининг яхшиланган популяциялари яратилган;

экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларга жорий этиладиган дурагайларни, тут ипак қуртининг тухум ва қуртлик даврида жинси нишонланган зотлари иштирокида олиш мумкинлиги исботланган;

тут ипак куртининг янги Наврўз-3, Наврўз-4 ва партеноклонлар иштирокидаги АПК х Меченная-1 дурагайлари ни экстремал курт боқиш шароитларига мослашиши илмий жиҳатдан аниқланган;

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида ҳам янги дурагай комбинацияларидан меъёрдаги пилла ҳосили олиш мумкинлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:**

Қорақалпоғистон Республикасининг экстремал шароитига мос келадиган, тут ипак куртининг жинси нишонланган ва партаногенетик клонлар иштирокидаги янги дурагай комбинациялари ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган;

тут ипак куртининг янги Наврўз-3, Наврўз-4 дурагайлари Қорақалпоғистон Республикасининг экологик оғир шароитида боқилганда ўзининг генетик потенциални намаён этиб, юқори натижалар олинган ва амалиётга жорий қилинган.

Қорақалпоғистон Республикасининг ноқулай курт боқиш шароитида тут ипак куртининг Ипакчи 1 х Ипакчи 2, Ипакчи 2 х Ипакчи 1 ва АПК х Меченная 1 дурагайлари парваришланиб, биологик ва технологик кўрсаткичлари юқори даражага эга бўлган пилла маҳсулотлари олишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация тадқиқот натижалари ҳамда бирламчи ҳужжатлар Ипакчилик илмий тадқиқот институти ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий - ишлаб чиқариш маркази апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳо берилган, олинган натижалар статистик таҳлилдан ўтказилган, жорий қилиш тадбирлари далолатномалар билан асосланган. Тадқиқот натижалари ишлаб чиқаришга жорий этилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда зотва дурагайларнинг етакчи селекцион белгиларининг ноқулай экстремал шароитларда намаён бўлиши, уларнинг ушбу шароитларга мослашувига оид назарий жиҳатдан маълумотлар олинган ва умумлаштирилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қорақалпоғистон Республикасининг экстремал иқлим шароитлари учун мос тут ипак куртининг зот ва дурагайлари ушбу ҳудудда бир кути куртда 59,0 – 63,0 кг пилла ҳосили олишни ҳамда етиштириладиган пиллаларнинг сифат кўрсаткичларини янада яхшилашни таъминлашдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Экологик оғир шароитга мослашган тут ипак курти дурагайлари ни яратиш ва тадбиқ қилиш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида;

тут ипак куртининг «Наврўз-3», «Наврўз-4» дурагайлари ниининг ҳар бирдан 12 кути уруғ «Ипак курти генетикаси ва селекцияси» лабораториясида 2015-йилда тайёрланиб, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани «Март овул» фермер хўжалиги шароитида жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил

3 октябрдаги 02/09-2348 - сон маълумотномаси). Натижада бир қути боқилган ипак қурти ҳисобидан пилла ҳосили, назоратга нисбатан 8,0 кг-гача ошган ва иқтисодий самарадорлик 45000 сўмни ташкил этиб, рентабеллик 23,75% га кўтарилган;

тут ипак қуртининг «Наврўз-3», «Наврўз-4» дурагайларининг 8 қути уруғ ҳажмда, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида «Шохсанам-Хўжайли» фермер хўжалигида жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 3 октябрдаги 02/09-2348 - сон маълумотномаси). Бунинг натижасида бир қути ҳисобидан пилла ҳосили 7,5 кг-га ошган ва иқтисодий самарадорлик 61500 сўмни ташкил этган;

тут ипак қуртининг «Ипакчи 1 х Ипакчи 2», «Ипакчи 2 х Ипакчи 1» дурагайлари ва «АПК х Меченная 1», клон зотли дурагайлари Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида «Мухаббат-Шермонова» фермер хўжалигида жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 3 октябрдаги 02/09-2348 - сон маълумотномаси). Натижада бир қути ҳисобидан пилла ҳосили 7 кг-га ошишига эришилган ва иқтисодий самарадорлик 66500 сўмга тенг бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 1 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган ва Ипакчилик илмий тадқиқот институти илмий кенгаши ҳамда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий – ишлаб чиқариш маркази апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 15 та илмий мақола, жумладан 1 таси хорижий ва 8 та республика журналларида нашр этилган ҳамда 4 та селекция ютуғига муаллифлик гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, илмий тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, ишлаб чиқаришга татбиқ этилаётган тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, республика, хорижий

давлатларда нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланиб, 3 та бўлимдан иборат. Унда хорижий ва маҳаллий илмий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари батафсил изоҳлаб берилган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, экстремал шароитларда генетик имкониятини намоён эта олувчи ипак қурти дурагайлари ҳамда зотларининг репродуктив, биологик, технологик кўрсаткичларининг илмий тадқиқотини ўтказиш зарурати юзасидан хулосалар берилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва услубиётлар**» мавзусидаги иккинчи бобида тажрибаларда фойдаланилган ипак қурти зотлари, тизимлари ва дурагайлариининг асосий хусусиятлари келтирилган.

Тадқиқотлар 2011-2017 йилларда Ипакчилик илмий тадқиқот институти «Ипак қурти генетикаси ва селекцияси» лабораториясида, Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалида ва ишлаб чиқаришда ўтказилган.

Тадқиқот йўналишини танлаш Қорақалпоғистонда пиллачилик саноатини янги, юқори ҳосилли, ҳудуднинг салбий экологик шароитларига чидамли ипак қурти уруғлари ва дурагайлари билан таъминлаш зарурати билан белгиланади.

Ишнинг ушбу йўналиши тегишли тадқиқот усуллари таҳлил, селекция, синов, танловни ҳам белгилайди. Ишда ипакчилик илмий тадқиқот институти тут ипак қурти коллекциясида мавжуд зот ва тизимлар, шунингдек, ипакчилик илмий тадқиқот институти «Ипак қурти генетикаси ва селекцияси» лабораториясида яратилган дурагайлардан фойдаланилди. Ушбу дурагайларнинг таркибий қисмлари жинс бўйича тухум босқичида нишонланган; С-5, С-10, С-12, С-13, С-14, қуртлик даврида нишонланган Меченная 1, Меченная 2 ва САНИИШ 30, Асака, Марҳамат, Атлас, Марғилон, Ипакчи 1, Ипакчи 2 зотлари, шунингдек, ипак қуртининг партеногенетик клонлари ҳисобланади.

Зотлар билан иш «Ипак қурти наслчилигининг асосий услубий қоидалари»га мувофиқ амалга оширилиб, унга зот бўйича нишонланган жинслар ва партеногенетик клонларнинг генетик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кичик ўзгаришлар киритилган. Тухум босқичида оилалар репродуктив белгилари, жинслар нисбати ва уруғнинг сифати бўйича яроқсизга чиқарилган. Ўртачадан пастроқ жонланишга эга уруғли оилаларни парваришлаш учун олинмаган.

Ҳар бир зот оилалари тухум босқичидаги жинс бўйича нишонланган тухумларнинг оқ ранглиси (эркак) ва қора ранглиси (урғочи) га ажратилган. Жинслар нисбати 50♀: 50♂ бўлган оилалар озиқлантиришга танлаб олинди. Ҳар бир оиланинг қуртлик босқичидаги нишонланган ипак қуртлари жинси бўйича 5 - ёшида маскасиз (эркаклар) ва маскали (урғочи) ипак қуртларига ажратилди.

Зотлар бўйича урғочи ва эркак пиллаларни таҳлил қилиш алоҳида-алоҳида амалга оширилди.

Оилалар бўйича индивидуал таҳлил натижаларига кўра қаттиқ қобикли, ипакчанлик даражаси юқори ва наслга хос шаклли пиллалар дастлабки материал тайёрлаш учун ажратилди.

Зот ва клонларнинг технологик таҳлили ҳамма қайтарилувчи ёки парваришланган оилаларда 300-400 дона пилла намуналари олиниб, таҳлил ўтказилди.

Диссертациянинг «**Шахсий тадқиқотлар натижалари**» номли учинчи бобида зотлар билан селекция-наслчилик ишлари натижалари, яратилган дурагайлар таҳлили, ўтказилган синовлар баҳоланиши баён қилинган, Ўзбекистоннинг экологик ноқулай ҳудудларида дурагайлардан муваффақиятли фойдаланиш учун хулосалар ва тавсиялар келтирилган.

**Иш учун дастлабки материални танлаш.** Ипакчилик илмий тадқиқот институти жаҳон тут ипак қурти коллекциясидаги зотларнинг маҳсулдорлик хусусиятлари таҳлилни ўтказиш орқали ва ипакчилик илмий тадқиқот институти «Ипак қурти генетикаси ва селекцияси» лабораториясининг ходимлари томонидан тавсия этилган материаллар асосида амалга оширилди. Қорақалпоғистон иқлим шароитларида кўпайтириш учун муайян илмий ва амалий қизиқиш уйғотадиган зотлар, масалан, ипак қурти тухумлари ёки қуртлик даврида жинси бўйича нишонланган дурагайлар 100% соф тайёргарлик билан сараланадиган зотлар кўрсаткичлари баҳоланди. 1-жадвалда дастлабки зотларнинг репродуктив хусусиятлари тавсифи келтирилган.

**1-жадвал**

**Зотлар бўйича дастлабки қуймалар тавсифи (2012 й.)**

Зотлар	Микдори, дона			Қуйма-да Тухум-лар ўртача сони дона	Оғирлиги		Физи- ологик яроқсиз %
	Тайёрлан- ган тухум қуймаси	инкубация учун танланган тухум қуймаси	боқиш учун танлан- ган тухум қуймаси		тухум қуйма мг	бир дона тухум, оғирли- ги, мг	
С-5	164	107	24	571	349	0,61	4,67
С-7	75	60	22	620	346	0,55	1,58
С-9	82	71	25	600	335	0,56	2,91
С-10	132	96	41	561	308	0,54	4,59
С-12	39	37	33	518	275	0,53	10,9
С-13	310	144	62	538	292	0,54	4,94
С-14	194	107	54	543	278	0,51	2,51
Меченная-1	330	148	48	648	363	0,56	3,04
Меченная-2	323	172	56	656	368	0,56	1,56
САНИИШ- 30	131	97	22	665	356	0,53	2,77
Асака	62	62	26	614	348	0,56	4,80
Марҳамат	71	71	30	614	337	0,54	4,2
Атлас	95	95	39	608	365	0,60	4,10
Марғилон	161	93	30	677	358	0,52	4,10

Қорақалпоғистон ипакчилик саноатида дурагайлаш ва татбиқ қилиш учун барча зотлар юқори репродуктив кўрсаткичларга эга. Энг кўп пиллалар миқдори Асака (614 дона), Марҳамат (614 дона), Атлас (608 дона), Марғилон (677 дона) ва САНИИШ (605 дона) каби нишонланмаган зотларида, шунингдек Меченная -1 (648 дона), Меченная -2 (656 дона) каби қуртлик даврида нишонланган зотларида кузатилди. Қуйма оғирлигига келсак, у қуймадаги тухумларнинг ўртача миқдори кўрсаткичларига мутаносиб равишда ўзгаради. Битта тухум оғирлиги зотларга қараб, 0,51-0,61 мг доирасида бироз ўзгариб туради.

Жинси бўйича нишонланган зотлар, юқори чидамли дурагайлар таркибий қисмлари сифатида умумий қизиқиш уйғотади. Ушбу зотлар дурагайлари илгари Қорақалпоғистонда тадбиқ этилмаган.

Диссертациянинг «Тухум босқичида нишонланган С-5 зоти билан селекция-наслчилик ишлари» деб номланган иккинчи бўлимида ва «Тухум босқичида нишонланган С-10 зоти билан селекция-наслчилик ишлари» учинчи бўлимида ҳамда «Тухум босқичида нишонланган С-12 зоти билан селекция-наслчилик ишлари» деб номланган тўртинчи бўлимларида С-5, С-10, С-12 зотлари билан селекция-наслчилик ишлари акс этирилган. Қорақалпоғистонда кўпайтириш учун юқори кўрсаткичлар ва хўжалик аҳамияти ҳисобга олинган ҳолда, ипак қуртлари босқичида жинси бўйича нишонланган, селекция-наслчилик ишлари олиб борилган С-5, С-10, С-12 зотлари танлаб олинди. Барча ривожланиш босқичларида селекция танлови зарур бўлди, чунки ушбу зотлар узоқ вақт гуруҳли кўпайтириш усулида коллекцияда сақланган ва хўжалик-қиймат хусусиятларини муайян яхшилашга эҳтиёж сезган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Селекция-наслчилик ишлари бошида ва охирида С-5, С-10, С-12 зотларининг биологик кўрсаткичлари (2011-2015 йй.)

Зотлар	Йиллар	Инкубация-га қўйилган оилалар тухумлари жонланиши, % M±m	Боқилган оилалар уруғлари жонланиши, % M±m	Ипак қуртлари яшовчанлиги, % M±m	Оғирлиги		Ипакчанлиги, % M±m	Капа-лаклар чиқмаслиги, %	Кар пиллалар миқдори, %
					пилла, г M±m	пилла қобиғи, мг M±m			
	2011	92,8±0,42	97,5±0,45	75,5±0,89	1,76±0,013	421±0,15	23,9±0,01	-	9,38
С-5	2015	95,0±0,58	96,1±0,28	78,4±1,2	2,06±0,5	550±3,41	26,4±0,48	8,4	10,71
	2011	95,6	90,2±0,20	90,2±0,6	1,58±0,01	414±0,20	26,2±0,3	3,3	5,5
С-10	2015	98,5	96,5±0,61	81,6±1,1	1,72±0,01	430±2,9	25,0±0,6	2,0	10,89
	2011	96,2±0,25	96,5±0,13	74,6±1,2	1,61±0,01	387±3,72	24,0±0,01	-	12,57
С-12	2015	92,2±0,60	97,0±0,40	75,0±1,0	1,89±0,02	494±4,17	26,0±0,11	-	12,4

5 йиллик селекция танлови мобайнида С-5, С-10, С-12 зотларининг деярли барча репродуктив ва биологик белгиларини яхшилашга эришилди. Ипак қурти уруғи жонланиши С-10 зотида 90,2% дан 96,5% гача, С-12 зотида

96,5% дан 97,0% гача кўтарилди. Ипак қуртлари яшовчанлиги С-5 зотида 75,5% дан 78,4% гача, С-12 зотида 74,6% дан 75,0% гача яхшиланди. Пилланинг оғирлиги С-5 зотида 1,76 граммдан 2,06 граммгача, С-10 зотида 1,58 граммдан 1,72 граммгача, С-12 зотида 1,61 граммдан 1,89 граммгача оширилди. Ипак маҳсулдорлиги С-5 зотида 23,9% дан 26,4% гача, С-12 зотида 24,0% дан 26,0% гача кўтарилди. Ушбу зотларнинг яхшиланган дурагайларида Қорақалпоғистон Республикасида фойдаланиш мумкин (2-жадвал).

Учинчи бобнинг «Партеногенетик клонлардан саноат дурагайи учун оналик зот сифатида дурагайлаш» деб номланган бешинчи бўлимида урғочи жинсидаги партеноклонлардан турлараро дурагайлаш учун оналик зот сифатида фойдаланиш мумкин ва бундай дурагайлар катта самарага эга.

### 3-жадвал

#### Партеногенетик клонларнинг биологик кўрсаткичлари (2015 й.)

Клонлар номи	Партеногенетик қуртлар чиқиши, % M±m	Ипак қуртлари яшовчанлиги, % M±m	Пилла оғирлиги, г M±m	Қобик оғирлиги, мг M±m	Ипакчанлиги, % M±m
А-153 пк	75,33±0,33	89,1±1,91	1,90±0,056	402±13,05	21,2±0,12
А-218 пк	87,0±0,29	82,7±1,21	1,90±0,042	394±9,54	20,6±0,175
А-238 пк	89,5±0,65	82,7±0,87	1,80±0,018	368±1,76	20,4±0,196
А-261 пк	87,67±2,41	90,0±1,18	1,91±0,09	370±14,4	19,4±0,250
51-40 пк	86,02±0,86	89,1±1,04	1,86±0,07	368±16,38	19,8±0,29
9-пк	80,0±1,92	88,5±1,27	1,61±0,07	354±12,8	20,7±0,23
43-пк	85,4±0,83	85,9±1,88	1,81±0,06	355±31,4	21,8±0,32
29-пк	91,33±77	95,9±1,20	1,74±0,09	238±10,02	13,7±0,25
САНИИШ-30 (к)	97,6±0,56	82,7±1,43	1,66±0,013	3,31±4,35	23,6±0,199

3-жадвалда тут ипак қурти партеногенетик клонларининг биологик кўрсаткичлари келтирилган.

Жадвалга асосан, партеногенетик ипак қуртларининг чиқиши 75,3-91,3% доирасида ўзгариб туради, бу САНИИШ-30 ҳар икки назорат турига нисбатан пастроқ бўлиб, клонлар фақат зотлар билан тақдим қилинганлиги билан изоҳланиши мумкин, улар эса камроқ маҳсулдор жинс ҳисобланади. Пилла оғирлиги 1,61 граммдан 1,91 граммгача, қобик оғирлиги 238-402 мг, ипакчанлиги 13,7% дан 21,8% гача ўзгариб туради. АПК, 9 пк, А-153пк, А-218 пк, 51-40 пк клонлари алоҳида диққатга сазовор бўлиб, улардан дурагайлаш учун кенг фойдаланилади.

Партеногенетик урғочи капалаклар иштирокида дурагай ипак қурти уруғини тайёрлашдан иқтисодий самара катта суммани ташкил этади, чунки партеногенетик урғочи зотларни бошқа зотларнинг оддий эркак капалаклари билан чатиштиришдан олинандиган дурагайлар юқори сифатлар билан ажралиб туради.

«ТошДАУнинг Нукус филиалида дурагайлар лаборатория синовлари» деб номланган учинчи бобнинг олтинчи бўлимида дурагайлар лаборатория синовлари натижалари келтирилган. Истиқболли зотлар, клонларни яхшилаш, сақлаш билан бир вақтда, ушбу тадқиқотда бир неча йиллар мобайнида ва турли йилларда дурагайлар яратилди ҳамда синовдан ўтказилди, юқорида қайд этилган зотлар ва клонлар (21 та дурагай) уларнинг таркибий қисмлари ҳисобланади. Қуйидаги 4-жадвалда ушбу дурагайлар тавсифини келтирамыз.

4-жадвал

**Дурагайларнинг биологик кўрсаткичлари (2011-2013йй.)**

Дурагайлар номи	Ипак кurtлари яшовчанлиги %	Оғирлиги		Ипакчанлиги %
		пилла, г	қобиғи, мг	
С-13 х С-14	97,1	1,90	478	25,2
Меченная-1 х Меченная-2	98,0	2,04	487	23,8
САНИИШ- 30 х Марҳамат	97,6	2,14	499	23,3
Марҳамат х САНИИШ- 30	96,7	2,01	447	22,2
САНИИШ- 30 х Меченная-1	94,5	2,0	485	24,3
Меченная -1х САНИИШ- 30	95,1	1,76	423	24,0
С-5 х САНИИШ- 30	97,1	2,0	475	23,7
А-238 пк х Меченная-1	95,1	2,09	469	22,4
9 ПК х Меченная-1	97,1	1,92	472	24,6
А-53 пк х Меченная-1	92,2	2,14	484	22,6
51.40 пк х Меченная-2	95,2	1,85	432	23,3
А-261 пк х Меченная-1	96,0	1,87	419	22,4
А-218 пк х Меченная-1	92,4	1,63	372	22,8
А-238 пк х С-5	96,7	2.07	470	22,7
А-261 пк х С-5	98,0	2,09	446	21,3
9 ПК х С-5	97,8	1,94	455	23,4
А-153 пк х С-14	95,3	2,15	481	22,3
А-238 пк х С-14	98,4	2,0	452	22,6
51.40 пк х С-14	98,9	2,02	473	23,3
9 ПК х С-14	95,5	1,95	452	23,1

Келтирилган 4-жадвал маълумотлари асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, юқори яшовчанлик кўрсаткичлар 5140 пк х С-14 (98,9%), А-238 пк х С-14 (98,4%) дурагайларида кузатилади. Пилла оғирлиги А-153 пк –х С-14 2,15 г, САНИИШ30 х Марҳамат (2,14 г), А-153 пк х Меченная-1 (2,14 г) дурагайларида қайд этилди. Юқори ипакчанлик С-13 х С-14 (25,2%), 9 ПК х Меченная -1 (24,6%), САНИИШ 30 х Меченная 1 (24,3%) дурагайларида кузатилди. Ушбу С- 13 х С-14, Меченная-1х Меченная-2, САНИИШ 30 х Меченная 1, С-5 х САНИИШ 30,9 ПК х Меченная-1,9 ПК х С-5 каби барча дурагайлар яшовчанлик ва ипакчанлиги бўйича яхши натижалар билан ажралиб туради.

Бизнинг тадқиқотимизда биологик кўрсаткичлар бўйича энг яхши дурагайлар АПК х С-14 (мос равишда, 95,7%, 1,62 г, 385 мг, 23,8 %) ва 9 ПК х С-14 ( мос равишда, 94,0%, 1,60 г, 373 мг, 23,3%) дурагайларидан иборат бўлди.

**«Қорақалпоғистон Республикаси шароитида дурагайларнинг станцион синовлари»** мавзусидаги учинчи бобнинг еттинчи бўлимида дурагайлар станцион синовлари келтирилган. Дурагайлар ишлаб чиқаришга топширилишдан олдин кичик ишлаб чиқариш синовларидан ўтказилади. 5-жадвалда ишлаб чиқариш шароитларида текширувдан ўтказилган ва бизнинг тадқиқотимизда фойдаланилган барча дурагайлар селекция синовлари натижалари келтирилган.

#### 5-жадвал

#### Қорақалпоғистоннинг экстремал шароитларида дурагайлар станцион синовлари (2015-2017 йй.)

т/р	Дурагайлар номи	Ипак куртлари яшовчанлиги, %		Пилланинг ўртача оғирлиги		Ўртача ипакчанлик қобиғи, %	
		M±m	Pd	M±m	Pd	M±m	Pd
1	5140 ПК х С-5	95,7±1,14	0	2,20±0,034	0,746	23,3±0,39	0,921
2	153 ПК х С-5	90,5±1,21	0,998	2,06±0,031	0,999	24,5±0,158	0,992
3	АПК х С-14	96,2±1,21	0,649	2,34±0,08	0,881	23,4±0,34	0,932
4	АПК х Меченная1	95,7±1,09	0	2,06±0,051	0,997	27,8±0,221	0,999
5	Тетрагибрид-3 (назорат)	93,7±0,121		2,23±0,017		21,9±0,758	

Станцион синовлар натижаларидан кўриниб турганидек (5-жадвал), дурагайлар яшовчанлик фоизи 90,5-96,2% ни ташкил этади. 51.40 х С-5 дурагайининг яшовчанлиги Тетрагибрид-3 назорат дурагайи даражасида (95,7%), ипак маҳсулдорлиги 27,8% (назорат дурагайида 21,9%). Олинган материаллар математик жиҳатдан ишланган ва ишончлидир (6-жадвал).

Клон-зотли дурагайларнинг асосий маҳсулдорлик тавсифлари – яшовчанлик ва ипакчанлиги, юқори кўрсаткичлари ушбу дурагайларни экологик мураккаб шароитларда саноат ипак курти боқиш учун тавсия этиш имконини беради.

Жинси бўйича нишонланган ва нишонланмаган дурагайлар ҳам ишлаб чиқариш синовларидан ўтказилди.

#### Қорақалпоғистонда кўпайтириш учун тавсия этилган тут ипак курти дурагайлари татбиқ қилишнинг иқтисодий самарадорлиги.

Қорақалпоғистонда саноат ипак курти боқиш учун Ипакчи 1 х Ипакчи 2, Ипакчи 2 х Ипакчи 1, Наврўз-3, Наврўз-4 ва АПК х Меченная 1 дурагайлари тавсия этилган.

Иқтисодий самарадорликни аниқлаш мақсадида экстремал экологик шароитларда боқиш учун мўлжалланган Ипакчи 1 х Ипакчи 2, Ипакчи 2 х

Ипакчи 1, Наврӯз-3, Наврӯз-4 ва АПК х Меченная 1 дурагайлари Қорақалпоғистонда боқилган.

Ажратилган ва назорат дурагайлари ипак курти уруғлари битта инкубаториянинг ўзида бир хил гигротермик режимли шароитларда инкубацияланган. Танлаб олинган дурагайлар ипак куртлари назорат дурагайлар ипак куртлари боқилган хўжаликнинг ўзида жойлаштирилган.

**6-жадвал**

**Қорақалпоғистонда дурагайлари боқиш мисолида экологик ноқулай ҳудудларда татбиқ этишга мўлжалланган Ипакчи 1 х Ипакчи 2, Ипакчи 2 х Ипакчи 1, Наврӯз 3, Наврӯз 4 дурагайлари иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари (2015-2017 йй.)**

Вариантлар	Дурагайлар номи номи	Бир кути куртдан олинган хосилдорлик, кг	1 кути куртдан олинган тирик пилла ҳисобида					
			Тирик пилла чиқиш фарқи, кг	1 кг тирик пилла	Олинган фойда минг сўм	Соф фойда, минг сўм	Рентабеллик, %	1 сўм харажатга олинган даромад
<b>2015 йил</b>								
Тажриба вариантларда	Наврӯз-3, Наврӯз-4	63						
Қиёсловчи вариантда (ишлаб чиқаришда)	Тетрагибрид-3 ва Хориж дурагайлари	57	6,0	7,5	9,0	8,55	23,75	1,25
<b>2016 йил</b>								
Тажриба вариантларда	Наврӯз-3, Наврӯз-4	62,5						
Қиёсловчи вариантда (ишлаб чиқаришда)	Тетрагибрид-3 ва Хориж дурагайлари	55	7,5	8,2	12,3	11,68	23,75	1,25
<b>2017 йил</b>								
Тажриба вариантларда	Ипакчи -1 х Ипакчи-2, Ипакчи -2 х Ипакчи-1, АПК х Меченная 1 клон зотли дурагайи	63,5						
Қиёсловчи вариантда (ишлаб чиқаришда)	Тетрагибрид-3 ва Хориж дурагайлари	56,5	7,0	9,5	13,3	12,635	23,75	1,25

## ХУЛОСА

1. Олиб борилган тадқиқотларимиз ва ишлаб чиқариш синовлари асосида шу аниқландики, кўпайтириш учун ноқулай шароитларга мослашган тут ипак қурти зотлари ва дурагайлари ноқулай экологик шароитларда ипак қурти боқиш муваффақиятини таъминлайдиган асосий омиллар ҳисобланади.

2. Ноқулай экологик шароитларда ипак қурти боқиш учун мўлжалланган тут ипак қурти зотлари ва дурагайлари саралашда дастлабки материал сифатида фойдаланиш учун тут ипак қурти тирик коллекциясида сақланадиган жинси бўйича нишонланган ва нишонланмаган зотларнинг асосий маҳсулдорлик хусусиятлари таҳлили ўтказилгандан сўнг С-5, С-10, С-12, С-13, С-14 ҳамда Ипакчи 1, Ипакчи 2, Меченная-1, Меченная-2 зотлари ва партеноклонлар талабга жавоб бериши аниқланди.

3. Ипак қуртлари яшовчанлиги, пилла оғирлиги ва ипакчанлиги бўйича яхшиланган, атроф-муҳитнинг салбий шароитларига чидамли, дастлабки материал сифатида С-5, С-10, С-12, С-13, С-14, Меченная-1, Меченная-2, САНИИШ-30, АПК, Ипакчи 1, Ипакчи 2 зотларидан фойдаланиш мумкинлиги исботланди.

4. Асосий хўжалик-қиймат кўрсаткичлари бўйича синовдан ўтказилган дурагайлар қуйидаги кўрсаткичларга эга:

ипак қурти уруғи жонланиши 96-98%, ипак қуртлари яшовчанлиги 89-90%, пилла оғирлиги 1,60-2,0 г, пилла қобиғи вазни 400-430 мг, ипакчанлиги 21,0-26,0%, битта қуруқ пилла оғирлиги 0,75-0,96 г, ипак хом ашёси чиқиши 47,20%, ипак маҳсулотлари чиқиши 49,18%, қобиқ чуватилиши 89-91,8%, толанинг метрик номери 2710-3134 кг, узлуксиз чуватиладиган тола узунлиги 754-1022 м, ишлаб чиқариш узунлиги 1200-1435 м. Кўрсаткичлари уларни экологик ноқулай шароитларга тавсия этишга асос бўлади.

5. Қорақалпоғистоннинг ноқулай шароитларида ипак қурти боқиш учун муваффақиятли фойдаланиш мақсадида қуйидаги дурагайлар белгиланди: Ипакчи 1 х Ипакчи 2, Ипакчи 2 х Ипакчи 1, Наврўз 3, Наврўз 4 ва АПК х Меченная 1. Қуйидаги дурагайлар 1 қути ипак қуртларидан энг кўп маҳсулдорликни таъминлайди: Ипакчи 1 х Ипакчи 2 – 62 кг, Ипакчи 2 х Ипакчи 1 – 63 кг, Наврўз 3 – 61 кг, Наврўз 4 – 62 кг, АПК х Меченная 1 дурагайи эса 63,7 килограммни ташкил этган бўлса назорат дурагайида 55-57 килограммни ташкил этган.

6. Партеноклонлар ва жинси бўйича нишонланган зотлар иштирокида яратилган АПК х С-14, АПК х Меченная 1 дурагайлар 100% дурагайдан яратилган юқори гетерозисли ипак қуртларидан иборатлиги туфайли боқишнинг ноқулай табиий иқлим шароитларига етарли даражада чидамлилиқ билан ажралиб туриши исботланди.

7. Қорақалпоғистоннинг ноқулай иқлим шароитларида боқиш учун тавсия қилинган ипак қурти дурагайлари: АПК х С-14 – 96,2%, АПК х Меченная 1 – 95,7%, С-14 х С-13 – 94,3%, назоратда 93,7% ипакчанлиги ва ҳаётчанлиги билан назоратга нисбатан юқори натижаларга эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.08.2018.Qx.13.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**  

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ШЕЛКОВОДСТВА**

**АБДРИМОВА ГУЛБАХОР ЭРИММАТОВНА**

**СОЗДАНИЕ И ВНЕДРЕНИЕ ГИБРИДОВ ТУТОВОГО ШЕЛКОПРЯДА  
ДЛЯ ЭКСТРЕМАЛЬНЫХ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ УСЛОВИЙ**

**06.02.04 – Шелководство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Ташкент-2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.4.PhD/ Qx113**

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте шелководства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.agrar.uz](http://www.agrar.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net).

**Научный руководитель:**

**Якубов Ахматжон Бакиевич**  
доктор биологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Гуламов Азамат Эшанкулович**  
доктор технических наук, профессор

**Исматуллаева Дилором Адиловна**  
кандидат сельскохозяйственных наук,  
старший научный сотрудник

**Ведущая организация:**

**Научно-исследовательский институт  
животноводства и птицеводства**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.30.08.2018.Qx.13.02 при Ташкентском государственном аграрном университете. (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-48-00; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz) Актовый зал, 2-этаж, Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрировано за № \_\_\_\_\_). Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Центральное здание 1-этаж Информационно-Ресурсного Центра ТГАУ. Тел.: (99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(Реестр протокола рассылки №6 от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года)

**Ш.Р.Умаров**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.с.х.н., старший научный сотрудник

**У.Т.Данияров**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.с.х.н., доцент

**М.Э.Аширов**

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день во всем мире более двадцати стран занимаются производством тутового шелкопряда, получая 840-860 тонн коконного сырья. Более 60 стран занимается производством шелкопряда и шелка. «...международный товарооборот продаж шелка составляет свыше 2-2,3 миллиарда доллара. Лидирующими странами по производству шелка являются: Китайская Народная Республика-49,2 %, Италия - 17,0 %, Индия - 7,1 %, Франция - 6,1 %, Япония - 4,5 %, Корея - 4,4 %, Германия - 2,5%, Великобритания - 2,1 % и Узбекистан- 0,005%.»<sup>1</sup>

Интенсивные исследования по научному обоснованию новых технологий по уходу за тутовым шелкопрядом в экстремальных условиях проводятся во всем мире. Ведущими учёными южных регионов Китайской народной Республики, Индии и Вьетнама был проведен ряд экспериментов по созданию пород и гибридов на основе бивольтинных пород тутового шелкопряда для экстремальных природных условий, получены высокие достижения урожая и наивысшие технологические показатели, соответствующие мировым стандартам. В последние годы считалось проблемным получение пород и гибридов, с высокой урожайностью приспособленных к резким погодным изменениям в условиях влияния антропогенных и экологических факторов.

Ученые нашей Республики на сегодняшний день достигли ряда успехов в создании пород тутового шелкопряда, с крупным коконом и приспособлен к экологически тяжёлым условиям. Однако не обращено внимание на создание популяций, обеспечивающих развитие, рост и урожайность тутового шелкопряда; не достаточно внимания уделено научно - исследовательским работам по получению качественных коконов, увеличению и усовершенствованию технологических показателей волокна шёлка в регионах отличающихся наличием абиотических предпосылок. В Узбекистане намечен стратегия движений на 2017-2021 годы, в которой утверждена модернизация сельского хозяйства, в частности животноводства, в том числе задачи развития шелководства и поэтапное увеличение шелкового сырья<sup>2</sup>.

В постановлении Президента Республики Узбекистана ПП-2856 «О мерах организации деятельности комитета Узбекипаксаноат» от 29 марта 2017 года и ПП-3616 «О дополнительных мерах по созданию деятельности комитета Узбекипаксаноат» от 20 марта 2018 года и ПП-3616 «О дополнительных мерах по развитию сети шелководства», а так же в постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 616 «О программе мер по комплексному развитию сети шелководства в 2017-2021 годы» от 11 августа 2017 года обозначено увеличение грены и коконов

<sup>1</sup> [www.inserco.org/](http://www.inserco.org/)

<sup>2</sup> ПФ-4947- от 07 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

местных пород и гибридов тутового шелкопряда, улучшение их качества, увеличение возможностей экспорта в шелководческой промышленности а также исследования диссертации служат выполнению всех задач, обозначенных в выше указанных документах в данном направлении.

**Связанность исследования с основными приоритетами развития науки и техники республики.** Это исследование проводилось в рамках приоритетной области национального развития науки и техники V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Изученность проблемы.** Глубокие исследования по выращиванию и отбору новых гусениц тутового шелкопряда, их приспособленности к различным природным условиям, созданию новых комбинаций гибридов были проведены такими учёными нашей Республики как В.А.Струнников, У.Н.Насириллаев, А.Б.Якубов, Л.М.Гуламова, Е.А.Ларькина, Э.Х.Таджиев.

Ученными зарубежных шелководческих стран такими как М.Е.Браславский, Б.Аббасов, А.Акименко, Б.Маметкулиев были созданы и внедрены породы и гибриды тутового шелкопряда приспособленные к своеобразному сухому и сравнительно прохладному климату Украины, Азербайджана и Туркмении. Y.S.Reddi, B.Zhong, Y.Y.Chen, P.Trenov, D.Grekov создали высоко гетерозисные промышленные гибриды методом отбора по тесно связанным между собой коррелятивным признакам.

